ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

# КОММУНИСТНИНГ ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОДИ

**Партия сиёсатининг омма фаолияти билан уйғунлашувига эришишда, доҳиймиз В. И. Ленин таъбири билан айтганда, кишиларни коммунизм талаб қилганидек иш тутишга ўргатишда партия ўқуви ҳаётбахш чашмадир. Хўш, ана шу ўқув машғулотларининг савиясини кўтариш, ҳар бир меҳнатчи, коммунистнинг ғоявий эътиқодини чиниқтириш соҳасида Тошкент шаҳар Киров район партия комитети қандай иш олиб бормоқда! Мухбиримиз С. Муҳиддиновнинг район партия комитети биринчи секретари Ш. МАҲМУДОВА билан суҳбати ана шу мавзуда бўлди.**

**САВОЛ: — Район партия ташкилоти коммунистлар ва партиясиз меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий билимини ошириш борасидаги ишларни қандай ташкил этмоқда?**

**ЖАВОБ:** — Коммунистни ғоявий чиниқтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш партиямиз фаолиятининг муҳим анъанаси, айтиш мумкинки, ҳаётий қонуни ҳисобланади. Революцион назарияни ўрганиш, ленинча ғалаба қилиш илмини эгаллаш КПСС ҳар бир аъзосининг бурчи, партия Уставига ёзиб қўйилган вазифасидир. Коммунистнинг сиёсий онглилиги унинг партия сиёсатини амалга ошириш учун қай даражада қатъият кўрсатиши билан ўлчанади.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари, КПСС Марказий Комитетининг Тошкент шаҳар партия ташкилотида марксча-ленинча ўқув ва раҳбар кадрларнинг иқтисодий таълими тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида иш олиб бораётган район партия комитети ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида изчил фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий ва иқтисодий ўқув савиясини ошириш райком пленуми кун тартибидан бот-бот ўрин олмоқда, Йил сайин район партия комитети бюросида ана шу вазифага оид 8— 10 та масала тингланиб, муҳокама этилаётир.

Коммунистларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини кучайтириш мақсадида марксча-ленинча ўқув, иқтисодий таълим мактабларида олиб борилаётган машғулотлар савиясини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Партия ўқуви системасида 12 мингдан ортиқ меҳнатчи, жумладан салкам ўн минг коммунист шуғулланмоқда. Машғулотларнинг қандай ташкил этилаётганлиги мунтазам равишда таҳлил этилиб ва назорат қилиниб борилаётир. Партия сиёсий ўқувининг бошқа самарали формаларидан изчил фойдаланилмоқда. Машғулотларда партия, совет, идеология активининг қатнашаётганлиги, пропагандистлар учун очиқ дарслар куни ўтказилаётганлиги, сиёсий таълим бўйича методика кенгашлари мажлисига масалалар тайёрлаш ана шулар жумласидандир. Ҳар йили актив кучи билан 250— 300 та мактаб ва семинарлардаги машғулотлар савияси ўрганиб чиқилаётир. Аммо бугунги куннинг юксак талаблари бу соҳадаги фаолиятни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Районда жами 1300 дан кўпроқ мактаб ва семинарлар ташкил этилганлиги инобатга олинса, унинг ҳаммаси етарли назоратда эмаслиги ойдинлашади.

**САВОЛ: — Пропагандист кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқув жараёнини яхшилашга қандай эътибор берилмоқда?**

**ЖАВОБ:** — Сиёсий таълим бўйича методика кенгаши пропагандист меҳнатини илмий ташкил этишни йўлга қўйди. Ой сайин ташкилотлардан олинаётган ахборотлар электрон ҳисоблаш машиналарида умумлаштирилмоқда. Унинг якунлари марксча-ленинча таълимни такомиллаштириш учун туртки бераётир. Кейинги икки йилда ана шундай таҳлил натижалари асосида уч марта илмий конференция, бир неча семинарлар ўтказилди. Илғор иш тажрибалари кенг оммалаштирилиб, камчиликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланаётир.

Маълумки, ўқувнинг самарадорлигини ошириш пропагандистдан чуқур назарий тайёргарлик, юксак методик маҳоратга эга бўлишни тақозо этади. Машғулотлар олдидан пухта ҳозирлик кўриш, муҳокама учун тингловчиларнинг касб-кори, савиясибоп актуал мисоллар танлаш ниҳоятда муҳимдир. Семинарлар, сиёсий мактаб, университетлар машғулотлари юксак талаблар даражасида таъсирчан ўтказилиши партия ўқувида бош сиймо бўлган пропагандистнинг ғоявий ва ахлоқий сифатлари, назарий ва методик тайёргарлиги, ишга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Албатта, бу масъулиятли ишда сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари имкониятларидан кенг фойдаланилаётир. Пропагандистларни ортиқча топшириқлар билан банд қилиб қўйиш сингари яроқсиз практикага барҳам берилди. Идеология активининг сифат состави яхшиланмоқда. Ҳозир иш олиб бораётган пропагандистларимизнинг аксарияти назарий жиҳатдан яхши қуролланган, дунёқараши кенг кишилардир. Пропагандистларнинг 98 проценти олий маълумотли мутахассислардир. Улар орасида юздан ортиқ раҳбар ходим, 110 олим бор. Пропаганда ишига ўзининг бутун билими ва қалб қўрини бағишлаётган кишилар сафи тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физика-техника институти пропагандисти В. Чудаков, 247-мактаб пропагандисти В. Логиновалар ана шулар жумласидандир. Улар мавзулар чуқур ўзлаштирилиши, олинган билим кўникмаларидан амалий ишда кенг фойдаланилишига эришмоқдалар.

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги кечки марксизм-ленинизм университети коммунистларни ғоявий камолотга етказишда муҳим восита бўлиб қолмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент шаҳар партия ташкилотида марксча-ленинча ўқув ва раҳбар кадрларнинг иқтисодий таълими тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан буён 2500 киши ана шу университетда сабоқ олди. Уларнинг 90 проценти коммунистлар, 40 проценти раҳбар ходимлар эканлигини таъкидлаш ўринли, албатта.

**САВОЛ: — Район партия комитети идеологик, сиёсий-тарбиявий ишдаги камчиликларни тугатиш борасида амалга ошираётган конкрет тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

**ЖАВОБ:** — Коммунистлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштиришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг кўрсатмалари катта аҳамиятга эга бўлди. Район партия комитети ўз фаолиятини танқидий назардан ўтказмоқда. Раҳбар коммунистларнинг меҳнат коллективи тарбиясида шахсий иштироки бўйича талабчанлик кучайтирилди. Район партия комитетининг пленуми ва бюро мажлисларида уларнинг сиёсий-тарбиявий ишлардаги иштироки тез-тез эшитилиб борилмоқда. Атроф-муҳитни гидрометеорологик назорат этиш республика бошқармаси бошлиғи И. Аксарин, 105-мактаб директори О. Иноятовларнинг ҳисоботлари айниқса қизғин муҳокама этилди. Бу ҳисоботлар омма орасида олиб борилаётган сиёсий ишларнинг ленинча услуби ҳар бир раҳбар коммунистнинг ички эҳтиёжи бўлиб қолиши, фақат сўз билан эмас, айни вақтда амалий иш, инсон ҳақида конкрет ғамхўрлик қилиш, маънавий баркамоллик орқали тарбиялашда ёрдам бермоқда. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 11-қурилиш тресги коллективлари фаолияти тобора активлашиб бораётганлиги бугунги кунда ғоявий-тарбиявий иш — план топшириқлари ва мажбуриятларни ортиғи билан адо этишда муҳим омилга айланганлигини кўрсатиб турибди.

Тарбиявий иш узлуксиз жараён бўлиб, қунт ва сабот билан иш олиб боришни талаб этади. Масалага ижодий муносабатда бўлинган, ғоявий-тарбиявий ишлар ташкилотчилик ва сиёсий ишлар билан қўшиб олиб борилган жойларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш, ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишга эришиш осонлашади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленумида «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятида сезиларли ўзгаришлар содир бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Аммо, ҳануз идеология ишини ҳар томонлама кучайтириш ҳақидаги талабни айрим раҳбар ходимлар, коммунистлар тўла тушуниб етмаётганга ўхшайдилар. «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг директори бўлиб ишлаган М. Каримжонов ишдаги қатор камчиликлари, тарбиявий ишларда рўй бераётган нуқсонлар учун қаттиқ жазоланди. Тажриба шундан далолат бермоқдаки, раҳбарлар орасида ғоявий-тарбиявий ишларда қатнашмайдиган, ҳатто ўзининг ғоявий даражасини мунтазам ўстириб боришни кераклигини тан олмайдиган кишилар ҳам учраб қолаётир. Айрим масъул ходимлар сиёсий ўқув машғулотларида қатнашишдан турли баҳоналар билан бўйин товлайдилар. Баъзи партия ташкилотларида марксча-ленинча таълимни такомиллаштириш, унинг самарадорлиги учун кураш расмиятчилик билан олиб борилаётир. Айрим қуйи партия ташкилотларида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратилмаётир, расмиятчилик, андозачилик, коллективлар олдида турган вазифалардан ажралиб қолиш фактлари учраб турибди. Район партия ташкилоти ана шу каби камчиликларга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқда. Бу соҳадаги нуқсонларни бартараф этишда КПСС Марказий Комитетининг «Ривожланган социализмни такомиллаштириш ва КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида партиянинг идеология соҳасидаги иши» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсияларидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

**● ЧИМКЕНТ**

**Областнинг ихтисослашган хўжаликлари тут кўчатларини ўтқазишга киришди. Кўчатлар ариқ, сув омборлари, йўл ёқаларига ўтқазилмоқда. Натижада шу йил кўчат учун экин майдони ажратмай тутзорларни 400 гектар кенгайтириш мумкин бўлади. Бута тутлар афзал кўрилмоқда. Улар баланд танали тутларга нисбатан тезроқ етилади, бир неча баравар сермаҳсул ва барг кесиш ишларини механизациялаш учун қулай.**

**● ПРЕНАЙ (Литва ССР)**

**Литва мелиораторлари Пренай райони деҳқонларига 500 гектар ер майдонини топширдилар. Далаларда ариқлар очилди, насос станциялари қурилди. Республикада экин-тикин мавсуми бошлангунича, 10 минг гектардан зиёд янгиланган ерларни ишга солиш мўлжалланади.**

**● КИШИНЕВ**

**Кишиневдаги «Плодсельхозмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи янгиланган СВК-3М маркали узум узадиган комбайнларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Синовлар янги машина сифатли эканлигини тасдиқлади. У бир кунда саккиз гектар токзордан 50 тонна узум узади ва бу ишда банд бўладиган 60 кишининг ишини бажаради.**

(ТАСС).

# МУРОСАСОЗЛИК

## ёки Бахмал район партия комитетининг раҳбар кадрлар билан ишлашда принципсизликка йўл қўяётганлиги хусусида

Бюро мажлисида 5-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Ўрол Турсунбоевнинг коллективга раҳбарлик услубидаги нуқсонлар очиб ташланди. Бу тасодифий эмасди. У кўчма колоннага бошлиқ бўлди-ю, манмансираб кетди. Коллектив билан, жамоат ташкилотлари билан маслаҳатлашмай қўйди. Коммунистлар олдида бирон марта ҳам ҳисоб бермади. Кўчма колонна қурилиш-монтаж ишлари планини мунтазам бажармасада, Турсунбоев пинагини бузмасди.

У меҳнат коллективини қийин шароитдан олиб чиқиш, қурилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида ташкилотчилик қобилиятини намойиш этолмади. Партия ташкилоти ўзбошимча бошлиққа икки марта ҳайфсан берди. Район партия комитетининг бюро мажлиси эндиликда бу ҳол билан муроса қилиб бўлмаслигини таъкидлади ва уни вазифасидан озод қилди.

Аммо район партия комитети меҳнат коллективларида ўз обрў-эътиборини йўқотиб қўйган, оммани бунёдкорлик ишларига илҳомлантириш, ташаббусни уйғотиш қўлидан келмаётган раҳбар кадрларга нисбатан доимо ана шундай муросасиз муносабатда бўляпти, деб айтолмаймиз.

«Узунбулоқ» совхозининг директори Номоз Норбоев хўжаликни планли асосда ривожлантириш, фан-техника янгиликларини, илғор тажрибаларни қўллаш ҳисобига план-топшириқларини ошириб бажариш йўлидан бормай, балки қандай қилиб бўлса ҳам топшириқни «қойиллатиш» ишқибози сифатида иш кўрди. Қўл остида ишлаётган кадрларни ҳам ана шу руҳда «тарбиялаш»га интилди.

1983 йилда хўжаликдан давлатга топширилган гўштнинг 37 проценти аҳолидан сотиб олинган мол ҳисобига тўғри келди. 1984 йили ҳам Н. Норбоев раҳбарлигида бу «илғор усул» кенг қўлланилди. Касса тартиби қўпол равишда бузилиб, бригада бошлиқлари қўлига 503 минг сўм пул бериб қўйилди. Улар хўжалик молини боқиб, семиртириб гўштга топшириш ўрнига, қўлларига пул чанглаллаб бозордан мол харид қилиш билан шуғулландилар.

Бу ишларни кўриб, хўжаликнинг моли борми ёки чиндан ҳам давлатга гўшт топшириш қоғозда бажарилиб келяптимикан, деган хаёлга боради киши. Афсуски, совхозда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида кескин қораланган «товарсиз операциялар» авж олиб кетганди. Ўтган йили октябрь ойида ўтказилган текширишда хўжаликда 77 бош қорамол, 471 бош қўй-эчки етишмаслиги, ҳотамтойлик билан бригада бошлиқларига тарқатилган 503 минг сўм пулдан 20 минг сўми ҳали кассага қайтарилмаганлиги маълум бўлди.

Бунинг оқибатида хўжаликда қорамолларни семиртиришда пландан ошиқча озуқа сарфланди. Натижада бир центнер гўштнинг таннархи планда белгиланганидан 312 сўм кўпайиб кетди. Хўжасизлик билан иш юритиш натижасида бу соҳадан мўлжалланган 100 минг сўм фойда олиш ўрнига аксинча 406 минг сўм зарар кўрилди. Хўжалик давлатдан 5 миллион 295 минг сўм қарз бўлиб қолди. Хўжаликни иқтисодий ва молиявий жиҳатдан танг аҳволга солиб қўйган Н. Норбоев виждони олдида ҳисоб бериб ўтирмай, шахсий манфаатларини ўйлайдиган бўлиб қолди, ҳашаматли кошона қуришга берилиб кетди.

Норбоевнинг ўзбошимчалигини район раҳбарлари ҳам билишарди. Район партия комитетининг бюро мажлисида хўжаликни бошқаришдаги хатоликлари, хизмат вазифасига совуққонлиги, шахсий манфаати кетидан қуваётганлиги учун унга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан ҳайфсан берилди.

Коллективни нотўғри йўлдан бошлаётган, коммунист деган шарафли номга доғ тушираётган шахс учун бу жазо ёш болани «хап санимми» дея қўрқитишдек гап эмасми? Ахир, ана шундай нопок йўлга кирган кишилар учун жиддийроқ чора кўриш лозим эмасмиди?

Кўп ўтмай район партия комитетига совхоз ишчилари Н. Бердиёров, А. Ҳидировлар директор ўз мансабини суиистеъмол қилаётганлиги ҳақида шикоят қилдилар. Ишчиларнинг қалбидан чиққан бу сўзлар райком бюроси фаолиятидаги принципсизликнинг зудлик билан олдини олишга жиддий эслатма бўлди. Шикоятни текшириш натижалари аввал бошланғич партия ташкилотида, сўнгра эса район партия комитетининг бюросида кўриб чиқилди. Фактлар тасдиқланди. Аммо бюро аъзолари Н. Норбоевга уч ой илгари ҳайфсан берилганлиги сабабли бу гал уни огоҳлантириб қўйишди, холос. Ахир бу муросасозликнинг ўзгинаси эмасми? Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Заготживпром» ҳамда қоракўлчилик совхозлари трестининг бирлашган кенгашида «Узунбулоқ» совхозининг директори Н. Норбоев юқорида баён қилинган камчиликлари учун ишдан олинмаганида, билмадик, райком, унинг секретарлари А. Ҳакимов, С. Маллаев, Л. Ҳайдарова ўртоқлар, бюронинг бошқа аъзолари бу масалада қачонгача келишувчанлик қилишарди?

«Партия XXII съезди» совхозига узоқ йиллардан бери директорлик қилиб, хўжалик равнақига ўзига яраша улуш қўшиб келган Сайфуддин Зиёдуллаев ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқалди: «Зиёдуллаев омбор мудири П. Сулаймонов билан шерикликка дон ўғирлаб сотганмиш. Ўғлини ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринганмиш. Энди унга жиддий чора кўрилармиш». Лекин бу гаплар тарқалганига анча бўлса-да, С. Зиёдуллаев ҳамон ўз ўрнида ишлаб турибди.

Хўш, бўлмаса, бу гап-сўзлар қаёқдан чиқди?

Гап шундаки, ўтган йили 5 август куни район партия комитети бюро мажлисида худди юқорида айтилган хатти-ҳаракатлари учун С. Зиёдуллаевга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан ҳайфсан берилган эди. Бироқ бу масала бошланғич партия ташкилотида кўрилмай, хўжалик коммунистлари огоҳ этилмай, «миш-миш»ларга айланиб кетди. Райком бюросида ҳайфсан олган «Партия XXIV съезди» совхозининг 2-бўлими бошқарувчиси О. Эргашев, «Узунбулоқ» совхози бош бухгалтери Ражаб Мамазиёев, 5-механизациялашган кўчма колонна бош инженери О. Бекбўтаев каби коммунистларнинг фаолияти ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинмади. Ўтган йили райком бюросида партиявий жазо олган 11 раҳбар ходимдан фақат уч нафарининг фаолиятигина бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилган холос.

Тўғри, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг райондаги бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги, коммунистларнинг активлиги бирмунча ошди. Пленумда таъкидланганидек, ҳамма ерда жиддий ўзаро талабчанлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, хотиржамлик, манманлик, турмушда учраётган нотўғри хатти-ҳаракатларга қарши қатъий кураш сезиларли кучайтирилди. Аммо, юқорида келтирилган фактлар райкомнинг бу борадаги фаолияти ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатмоқда. Район партия комитети кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйилган хатоликларни тезда бартараф этиш чораларини кўрмаётир. Амалпараст, давлат мулкини талонторож қилувчи, хўжасизлик ва бош-бошдоқликни авж олдирувчи раҳбар шахсларга нисбатан муросасозлик қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида таъкидланганидек, социал-иқтисодий ривожланишда, моддий фаровонликни оширишда меҳнат коллективларига омилкорлик билан бошчилик қилаётган раҳбар кадрларнинг роли бекиёсдир.

Кадрлар билан ишлаш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолаверади. Бахмал район партия комитети кадрлар билан ишлашда давр талаблари асосида фаолият кўрсатиши лозим. Бунинг учун эса райкомнинг ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятидаги эски иш услуби ва методларидан қатъиян воз кечиш, масалага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари нуқтаи назаридан ёндашиш керак.

**Т. МАҚСУДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## АХДП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ МАЖЛИСИ

◆ КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал миллий маориф системасининг аҳволи ва уни ривожлантириш тўғрисида доклад қилди. У маорифни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари доимо АХДП билан АДР Революцион ҳукуматининг диққат марказида турганлигини қайд этиб ўтди. Апрель революциясидан кейин, деб уқтирди Б. Кармал, мамлакатда мактаблар тармоғини кенгайтириш ва мактаб ёшидаги барча болаларни ўқишга жалб этиш, ўқув программаларини миллий ривожланиш эҳтиёжларига энг кўп даражада яқинлаштириш мақсадида таълим системасини қайта ташкил этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Афғонистон раҳбари қайд этиб ўтганидек, шу билан бирга бу соҳада биринчи навбатда империализм ва реакция кучлари революцион Афғонистонга қарши олиб бораётган эълон қилинмаган уруш давом этаётганлиги сабабли ҳали қийинчиликлар мавжуддир.

(ТАСС).

## ИККИ ДУНЁ—ИККИ ТУРМУШ



СОЦИАЛИЗМ ШАРОФАТИ:

## ҲАМКОРЛИК

**◆ «Рекорд» машинасозлик комбинати Пловдив шаҳрида жойлашган. Бу ерда йирик мотокар машиналари ишлаб чиқарилади. 15 тоннагача юк кўтарадиган машиналарнинг шуҳрати Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида кун сайин ортиб бораётир.**

**Корхона коллективи янги моделдаги мотокарларни яратиш устида изланиш олиб бормоқда. Янги машиналар замонавий талабларга мос бўлади ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳасида қўлланилади. Қуввати 200-320 от кучига эга бўлган двигатель билан жиҳозланган янги машиналар қатор афзалликларга эга. Улар 20 тоннадан 40 тоннагача бўлган юкни кўтара олади.**

**Болгария Халқ Республикасининг бу етакчи корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми Совет Иттифоқига жўнатилади.**

**Суратда: тайёр техника жўнатилиш олдида.**

**В. Садчиков фотоси (ТАСС).**



КАПИТАЛИЗМ КУЛФАТИ:

## ҲАРБИЙ РЕЖИМГА ЁРДАМ

**◆ Вашингтон маъмурияти Марказий Америкадаги давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини актив олиб бораётир. Айниқса, Сальвадор режимига кўрсатилаётган иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кун сайин ортмоқда. Бу йил америкалик ҳомийлар Сальвадор режими учун 557 миллион доллар пул ажратишни кўзда тутишган.**

**«Нью-Йорк таймс»нинг хабарига кўра, Қўшма Штатлар Сальвадорда ўзлари расмий равишда эътироф этганларидан икки баравар кўп ҳарбий «маслаҳатчи»ларни ушлаб турибди. Яқинда Дуарте режими Вашингтондан жанговар вертолёт ва самолётларнинг янги туркумини олди. Улар йирик калиберли пулемётлар ва энг замонавий асбоблар билан жиҳозланган. Бу қурол-яроғлар тинч аҳолига қарши жазо операцияларида ишлатиляпти. Мамлакатда аҳоли ҳарбий режимдан азият чекмоқда. Ўтган йили америкалик «маслаҳатчи»лар ёрдамида 2233 тинч киши ўлдирилди. Бу жабр-зулм сиёсати туфайлидир.**

**Суратда: америкалик ҳарбий «маслаҳатчи»лар Сальвадорда.**

**(ТАСС фотохроникаси).**

## АРГЕНТИНА КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

◆ БУЭНОС АЙРЕС. Аргентина Коммунистик партияси ташкил этилгандан буён ўтган 67 йил мобайнида биринчи марта АКП ўз программасини ва коммунистлар олдида турган вазифаларни радио орқали мамлакат аҳолисига тушунтириб бериш ҳуқуқини олди.

АКП Бош секретари Атос Фава «Эксельсиор» радиостанциясининг каналлари орқали халққа қилган биринчи мурожаатида партиянинг фаолияти мамлакатда демократияни мустаҳкамлашга, социал адолат ҳамда миллий озодлик учун курашда ишчилар синфи билан халқ оммасини жипслаштиришга кўмаклашиши лозим эканлигини уқтириб ўтди.

Аргентина Компартияси узоқ йиллар мобайнида яширин шароитда ёки ярим ошкора ҳолатда иш кўриб келди, деб таъкидлади АКП раҳбари. Аммо у ҳеч қачон халқ билан жонли алоқани узгани йўқ. Партиянинг мамлакат сиёсий турмушидаги роли ва омма ўртасидаги обрў-эътибори муттасил ортиб бормоқда. Бугунги кунда АКП меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун актив курашмоқда. Халқаро майдонда у тинчтотув яшаш принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, тинчлик учун, термоядро ҳалокати хавфига қарши курашга катта ҳисса қўшмоқда.

(ТАСС).

## СУДАНДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА. (ТАСС). МЕНА агентлиги Суданда ҳокимиятни ўз қўлига олган мамлакат бош ҳарбий қўмондонлигининг баёнотини тарқатди.

Баёнотда Судан икки томонлама, регионал ва халқаро хартияларга, шартномалар ҳамда битимларга, БМТ Устави моддаларига, айниқса, давлатлар суверенитетига, уларнинг ички ишларига аралашмасликка ҳамда можароларни тинч воситалар билан ҳал этишга таалуқли моддаларига содиқ эканлиги таъкидланади.

Судан ўзининг қўшилмаслик принципларига ҳамда ҳарбий блоклар ва гуруҳларда иштирок этишдан воз кечиш принципларига содиқ бўлиб қолаётганлигини тасдиқлайди, дейилади баёнотда.

Ҳужжатда Судан Араб мамлакатлари иттифоқи ва Африка Бирлиги Ташкилоти уставларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажаришга интилаётганлиги, фаластинлик араб халқини қатъиян қўллаб-қувватлаши ҳамда унинг даҳлсиз ҳуқуқларини, шу жумладан ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини таъминлашга ёрдам бериши айтилади.

МЕНА агентлиги ички сиёсий проблемаларга оид баёнотни ҳам эшиттирди. Бу баёнотда аввалги ҳокимиятнинг экономика, сиёсат соҳалари ва социал соҳадаги барча оқибатларини бартараф этиш, шунингдек миллий ҳаракатлар хартиясини тайёрлаш асосий мақсадлар сифатида айтиб ўтилган. Бу хартия мамлакатнинг тўла мустақиллигини ҳамда унинг миллий бирлиги сақлаб қолинишини, матбуот ва фикр билдириш эркинлигини, шахснинг асосий эркинликлари ва дин эркинлигини, сиёсий турмуш демократлаштирилишини кўзда тутади.

Суданнинг янги раҳбарлари мамлакатда эркин ва мустақил сайлов ўтказилишини гарантиялайдиган демократик иқлим яратиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Раҳбарлар аввалги ҳокимиятни ҳарбий режим билан алмаштиришга интилмаётганларини таъкидладилар. Ҳарбий режим халқни сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этади.

Хартумдан олинган хабарларга кўра Судандаги вазият тобора нормаллашиб бормоқда. Мамлакатдаги бир қанча катта-катта касаба союз бирлашмаларининг ишчи ва хизматчилари, шу жумладан нефтчилар, тўқимачилар, алоқа ходимлари забастовкалар тўхтатилганлигини билдирдилар. Аввалги маъмурларнинг энг зарур моллар нархини кескин ошириш тўғрисидаги қарори забастовкаларга сабаб бўлган эди. Темир йўл транспорти бошқармаси яна ўз ишини бошламоқда. Врачлар, журналистлар, Судан телевидениеси ва радиосининг ходимлари ҳозирдаёқ ишга киришдилар.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари қандай бажарилмоқда?

## БОШҚАРУВНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

МЕҲНАТ ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга активроқ жалб қилиш экономика тараққиёти одимларини жадаллаштириш имконини беради. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари ана шунга асосланиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хилларини кўпайтириш, янгилаш, сифатини яхшилашни энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу — партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини ошириш ҳақида қатъият билан иш олиб бораётганлигининг яна бир ёрқин ифодаси.

Партия ҳозир халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришиш масаласини олға суряпти. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 11 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми **бу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ ҳал этиш учун хўжалик механизмини ва бутун бошқарув системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шу йўлдан бориб, энг мақбул ечимларни танлаб олиш, социалистик хўжалик юритишнинг энг асосий принципларини ижодий қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.**

Социалистик хўжалик юритиш принципларига қатъий амал қилиниши натижасидагина ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида самарадорликни кескин кўтариш, корхоналар коллективларининг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, унинг барча бўғинларида меҳнатнинг аниқ-пухта ташкил этилишига, ускуналардан самарали фойдаланилишига эришиш лозим. Корхоналарнинг жойларда ташкил этилган филиаллари технология занжирининг муҳим бўғинларидан биридир.

Меҳнатга жалб қилинмаган ишчи ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда, район марказларида ва қишлоқ аҳоли пунктларида йирик корхоналарнинг филиалларини қуриш кейинги вақтда республикада кенг ёйилиб бораётган, иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор тажриба бўлиб, бу халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришда самарали йўналишлардан бири ҳисобланади. Йирик саноат корхоналари филиалларини бутун чоралар билан ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг бугунги эҳтиёжларини қондириш борасида астойдил ғамхўрлик қилиш ҳозирги вақтда аҳолини кўпгина турдаги харидоргир моллар билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Хўш, бугунги кунда республика корхоналари филиалларида аҳвол қалай?

Ҳозир республикада саноат корхоналари ва бирлашмаларнинг 350 дан зиёд филиали, цех ва участкалари ишлаб турибди. Улардан 112 таси Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат, 99 таси Енгил саноат, 11 таси Озиқ-овқат саноати министрликларига қарашли ва 29 таси машинасозлик корхоналарининг филиали ва участкаларидир. Ўн биринчи беш йилликда 70 та филиал, цех ва участкалар барпо этилди.

Машинасозлик корхоналари филиалларининг ташкил қилиниши бош корхоналарнинг имкониятларини оширди. Бу тармоқ филиалларида кўп меҳнат талаб қиладиган ва йирик ҳажмли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Шунинг эвазига бош корхоналарда анча мураккаб ускуналарни тайёрлашни ташкил этиш учун ишлаб чиқариш майдонлари бўшатиб беріляпти.

КИЧИК, ўртача шаҳарларда, район марказларида филиаллар фаолиятини активлаштириш катта афзалликларга эга. Улар саноатнинг иқтисодий потенциалини анча оширади, жойларда ҳунар-техника билим юртлари ташкил этиш шарт-шароитларини вужудга келтиради. Шаҳар аҳолисини, айниқса, ёшларни ижтимоий меҳнатга кенг жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

Республикада тайёрлаб чиқарилаётган товар маҳсулотнинг 2,9 проценти филиаллар ҳиссасига тўғри келяпти. Ана шу чоғроқ корхоналарда 45,2 минг киши — асосан маҳаллий ёшлар катта иштиёқ билан меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари маҳсулотларининг 10,1 проценти филиалларда тайёрланмоқда. Бу кўрсаткич машинасозликда 6 процентдан кўпроқни ташкил этади. Тўқимачилик корхоналари филиалларининг ишга туширилиши билан калава тайёрлаш умуман 63,6 процент кўпайди, ип газлама тўқиб чиқариш 55,2 процент ортди. Бу маҳсулотларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи филиалларнинг ўзида қайта ишланмоқда.

**Корхоналарнинг жойлардаги бўлинмаларида устки трикотаж буюмларининг 77,7 проценти, ички трикотаж буюмларнинг 56,7 проценти, кийим-кечакларнинг 23,7 проценти, пойабзаллар, бошқа хил маҳсулотларнинг 13,6 проценти тайёрланадиган бўлиб қолди.**

Республикамизда йирик корхоналар филиалларини бунёд этиш учун 350,8 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Енгил саноат, машинасозлик ва бошқа тармоқларнинг филиалларидан кўпчилиги замонавий лойиҳалар асосида қурилди, илғор техника ва технология жорий этилди. Филиалларнинг аксариятида лойиҳа қувватлари ўз вақтида ўзлаштирилди. Уларнинг кўпчилиги бир маромда ишлаб, белгиланган планларни бажаряпти. Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув филиали, Бухоро тўқимачилик комбинатининг Ғиждувондаги йигирувчилик филиалида қувватлардан яхши фойдаланилмоқда. Тикувчилик корхоналари филиалларининг бир қанчаси 90—95 процент қувват билан ишлаш даражасига етди.

Лекин шуни айтиш керакки, бир қанча филиалларда лойиҳа қувватларини ўзлаштириш суръатлари жуда ҳам суст. Айрим ҳолларда ускуналарнинг бекор туриши планлаштирилганидан 2—3 баравар ортиб кетяпти. Масалан, ускуналарнинг бекор туриши Бухоро тўқимачилик комбинатининг йигирув ишлаб чиқаришида 4 баравар, тўқувчилик ишлаб чиқаришида белгиланганидан 3 баравар ортиқ. Қорақалпоғистон ип газлама бирлашмаси филиалларида ускуналарнинг ишламай туриши нормадаги 5 ўрнига 32 процентгача етмоқда. Жиззах ип йигирув фабрикаси лойиҳадаги қувватнинг 41,1 проценти даражасидагина ишлаётганини нормал ҳол деб бўладими, ахир! Баъзи филиалларда қувватларни ўзлаштиришда эришилган даража ҳам сақланиб қолмаяпти. Андижон ип газлама комбинатининг Чувама филиалида шундай бўлди.

Таъкидлаш керакки, қатор филиалларда ҳамон етарли самарадорликка эришилаётгани йўқ. Баъзилари эса қувватлар тўла ўзлаштирилмаганидан зарар кўриб ишламоқда. Бунга технология ва меҳнат интизомининг бузилиши ҳам сабаб бўляпти. Бунинг устига филиалларнинг бир қисми, айниқса, машинасозлик корхоналари филиаллари мослаштирилган биноларга жойлашган. Улар унумсиз ва эски ускуналар билан жиҳозланган, деталларни қайта ишлашни охирига етказиш имкониятларига, асбобсозлик бўлимларига эга эмас. Шундай филиалларнинг тўла қувват билан ишлаши учун бош корхоналар зудлик билан тегишли ёрдам кўрсатишлари, зарур асбоб-ускуналарни вақтида ажратиб беришлари лозим. «Ташсельмаш» заводининг Сирдарё областидаги, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чортоқдаги, «Узбексельмаш» бирлашмасининг Пахтакордаги филиаллари ёрдамга муҳтож. «Узтекстильмаш» бирлашмасининг Гагарин шаҳридаги, «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг Урганч филиалларида ҳам аҳволни яхшилаш учун муҳим тадбирлар кўрилиши керак.

Филиалларда белгиланган лойиҳа қувватларининг тўла ўзлаштирилишига ремонт-механика хизматининг етарли даражада ривожлантирилмаганлиги ҳам ҳалақит беряпти. Бу, кўпинча, бош корхонадаги марказий устахоналарнинг кам қувватлилиги орқасида юз бермоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси филиалларни эҳтиёт қисмлар ва зарур деталлар билан таъминлашда катта қийинчиликлар туғдираётир. Андижон ип газлама комбинатининг Қўрғонтепа филиалида эҳтиёт қисмлар танқислиги ва моторлар носозлиги важидан 17 йигирув, 66 та тўқув ускуналари ишламай турибди. Марҳамат филиалида қатор машина-ускуналар эҳтиёт қисмларга ёлчимаяпти. Пахтаобод филиалида машиналарнинг ярмиси, Пойтуғ филиалида 32 станок эҳтиёт қисмлар бўлмаганлигидан ишлатилмаяпти.

### Республика йирик саноат корхоналари филиалларининг долзарб эҳтиёжлари ҳақида

**МЕҲНАТ унумдорлиги— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боришнинг муҳим шарти. Шунга қарамасдан филиалларда меҳнат унумдорлиги ҳамон паст. Бунинг устига штатдан ташқари ишчилар сақлашга йўл қўйилмоқда. Шунингдек, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришнинг олди олинаётгани йўқ. Филиалларни ёш ишчилар билан мустаҳкамлаш чораларини кўришга бефарқ қаралмоқда.** Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан, тегишли малакага эга ёшларни филиалларга жалб қилиш яхши самаралар беришини тажриба кўрсатиб турибди. Лекин бунга на филиалларнинг, на бош корхоналарнинг раҳбарлари аҳамият беряпти.

Яна бир масала — филиаллар қурилишида самарадорлик ҳисобга олинмаётганлигидир. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарининг 11 филиали мавжуд. Тармоқда шу беш йилликда иккитагина филиал очилди. «Ферганахлеб» бирлашмасининг Ҳамза посёлкасидаги ва «Каршихлеб» бирлашмасининг Баҳористон шаҳридаги филиаллари ишга туширилди. Лекин бу филиаллар тезда оёққа туриб кетолмаяпти. Улар ривожланмаётганлигининг биринчи сабаби филиалларни ташкил этиш вақтида бамаслаҳат иш кўрилмаганлигидир. Кичик ва ўртача шаҳарларда «Ўзбекбирлашув» ва республика Маҳаллий саноат министрлигининг бирмунча тараққий этган нон ва нон маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ва участкалари тармоғи мавжуд бўлса-да, Озиқ-овқат саноати министрлиги йўли билан ҳам худди шундай маҳсулот тайёрловчи филиаллар барпо қилинди. Техникавий базаси ночор бундай камқувват корхоналар қураверйш иқтисодий жиҳатдан зарар келтирмоқда. Уларнинг инженерлик тармоқлари ва иншоотлари ҳам мукаммал эмас.

Маҳсулот турларини муттасил янгилаш ва сифатини ошириш масалалари биринчи ўринга қўйилмоқда. Сифат — ҳозирги кунда аҳолини моллар билан таъминлаш бутун проблемасининг ўзагидир. Сифат масаласи ҳар бир ишчи, мутахассис ва раҳбар кадрнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ташкилотлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи коллективлар куч-ғайратларини сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратишлари зарур.

Бугунги харидор магазинларга кирганида ўнни кўриб бирини танлайди. Шунинг учун филиалларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг техникавий жиҳатдан мукаммал, сифатли бўлишига эришиш зарур. Кузатувларнинг кўрсатишича, қатор филиаллар тайёрлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати паст. Буюмларнинг турларини янгилаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар вақтида амалга оширилмаяпти. Стандарт талабларига мос бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамон давом этмоқда. Ҳамма филиалларда ҳам ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил қилинган деб бўлмайди, мавжудлари эса зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмаган. Натижада хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг сифати ҳар жиҳатдан пухта текширувдан ўтказилаётгани йўқ.

**Сифатни таъминлашнинг бошқа масалалари ҳам бор. Бош корхоналар бунга жиддий эътибор беришлари керак. Бир қанча филиалларда техника назорати бўлимлари тегишли штатлар билан тўлдирилмаган. Бундай бўлимларда ишлаётган айрим кишилар зарур техникавий малакага эга эмас.** Шу сабабдан ҳам Қарши тикувчилик фабрикасининг Китоб филиалида текширилган маҳсулотларнинг ҳаммаси брак деб топилди. Давлат стандартлари Ўзбекистон бошқармаси ва республика Савдо министрлиги ҳузуридаги Давлат сифат инспекцияси мутахассислари жойларда бўлиб, маҳсулот сифати юзасидан жиддий эътирозлар билдирмоқдалар. Чирчиқ, Самарқанд, Андижон пойабзал фабрикаларида текшириб кўрилган ҳар икки жуфт пойабзалнинг биттаси стандарт талабларига жавоб бермади.

ИШЛАБ чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли ускуналарнинг бекор туришини бартараф этиш юзасидан корхоналар филиаллари раҳбарларининг масъулиятини ошириш чоралари кўрилмоқда. 1985 йил 1 январдан бошлаб районларда бош корхоналарнинг ҳисоботларини қабул қилиш вақтида филиалларда планлар бажарилишини назарда тутиш қоида қилиб қўйилди. Филиалларнинг раҳбарлари ҳар бир участкада техникадан фойдаланиш талабларига қатъий амал қилиниши устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг филиалларни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти активлаштирилиши зарур. Маҳаллий Советлар бош корхоналар билан биргаликда филиалларда муқим коллективларни вужудга келтиришда, план ҳамда социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун тегишли шарт-шароит яратишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Давлат, меҳнат, технология ва ижро интизоми коллективнинг ҳар бир аъзоси томонидан қатъий бажарилишига эришиш шарт.

Корхоналар иш самарадорлигини ошириш учун ҳамма жойда зарур чоралар кўрилиши бугунги куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйилмоқда. Филиаллар қурилишини лойиҳалаш вақтида комплекслилик масаласи алоҳида назарда тутилиши — филиаллар таркибида ремонт-механика хизмати, социал-маданий ва маиший объектлар, уй-жой ва болалар муассасалари ҳам бўлиши ҳисобга олиниши муҳимдир.

Корхоналар филиалларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ишларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари талаблари асосида баҳо берилса, қатор тадбирлар кўрилаётган бўлишига қарамай, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдаги камчиликлар сусткашлик билан тугатилаётганлигини кўрамиз. Маҳсулот сифатини ошириш, турларини янгилашга дуруст эътибор берилмаяпти. Харидор фақат қулай ва пухта буюмларнигина эмас, шу билан бирга хушбичим, чиройли ва арзон молларни ҳам харид қилгиси келади.

Бу соҳада ибрат олса арзигулик намуналар бор. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Қўқон пойабзал фабрикаси коллективларининг эксперимент тариқасида потоклар ташкил этиб, замонавий, юқори сифатли модадаги чиройли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш соҳасидаги тажрибасини маъқуллади. Тегишли министрликлар, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари энг яхши тажрибаларни кенг жорий этиш, филиалларни ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун жойларда ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришлари зарур.** Бу эса халқ фаровонлигини ошириш, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришдан иборат шарафли вазифани — ўн биринчи беш йиллик якунловчи йилида республикада пландан ташқари 1,5 миллион метр ип газлама ва шойи газлама, 110 минг дона трикотаж буюмлар, 1 миллион сўмлик мебель тайёрлаб чиқаришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Хуллас, филиаллар — ишлаб чиқаришни бошқаришнинг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини. Бутун мамлакат КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўраётган ҳозирги кунда мусобақа қатнашчиларининг диққат-эътибори партия ўртага қўяётган вазифаларни муваффақиятли адо этишга, филиаллардаги аҳволни яхшилаб боришга, уларни ташкилий ва техникавий жиҳатдан мустаҳкамлашга, имконият ҳамда резервлардан ҳамма ерда самарали фойдаланишга қаратилиши лозим.

*Транспорт конвейери — «Совет Ўзбекистони» назоратида*



## ПАНД БЕРАЁТГАНЛАР

### Ҳамкорлик талабларига қатъий амал қилиш лозим

Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Умумий ишда коллективларнинг бир-бирини қўллаши катта иқтисодий самаралар бериши тажрибада кўп марта тасдиқланган. Темир йўл билан ҳамкорлик қилаётган қатор корхона ва ташкилотлар юкларни вақтида ортиб, белгиланган муддатларда тушириб олмоқдалар. Шу йўл билан улар вагонлар оборотини тезлаштиришга ҳисса қўшяптилар.

Кейинги кунларда республика территориясидаги қатор станциялар ва корхоналарга кириш йўлларида бўшатилмаган вагонлар сони қисқарди. Андижон, Наманган, Қашқадарё областларида 4 апрелда бирорта ҳам юкли вагон нормадан ортиқ туриб қолмади.

Лекин ҳамкорлик талабларига тўла амал қилинмаган жойларда аҳвол ҳамон яхши эмас. Ўрта Осиё темир йўлининг республикамиз территориясидаги станцияларида бир кеча-кундузда 110 вагон белгиланган нормадан кўп турди. Жиззах областидаги корхона ва ташкилотлар темир йўл ишига панд бермоқдалар. Областдаги станциялар ҳамда корхоналарга кириш йўлларида ўз вақтида юки туширилмаган вагонлар 25 тани ташкил этди. Самарқанд ва Навоий областларида ҳам 15-16 тадан вагон бўшатилмай қолди. Тошкент областида 4 та ва Бухоро областида бир вагоннинг юки туширилмади.

Айрим корхона ва ташкилотлар вагонлар оборотини тезлаштиришга жиддий ғов бўлиб турибдилар. «Узсельхозхимия»нинг маҳаллий ташкилотлари вагонлардан фойдаланиш интизомини бузмоқдалар. Улар ўнта вагонни вақтида бўшатмадилар. Нукус станциясида ускуналар ортилган 5 вагон нормадан анча кўп туриб қолди. Ержар станциясида 5 вагон минерал ўғит Оқолтин район «Сельхозхимия» бошқармаси томонидан икки кунда ҳам туширилмади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ташкилотлари вагонлар умрини бекор ўтказишга ҳамон барҳам бермаяптилар. «Джизакстрой»нинг 346-механизациялашган кўчма колоннаси 11 вагон майдаланган тошни 2-3 кунда ҳам тушириб олмади.

Улуғбек станциясида кўмир ортилган 3 вагон бир неча кун қаровсиз ётди. Самарқанд ғишт заводи вагонларни вақтида бўшатишни ўйлаб ҳам кўрмади. Бўлмаса шу юк 2 апрелдаёқ туширилмасмиди. 3 апрель куни Қувасой шиша идишлар заводига 5 вагон сода келди. Бироқ у ҳам белгиланган муддатда тушириб олингани йўқ.

Темир йўлдан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар ўз зиммаларидаги бурчни сидқидилдан бажаришлари керак. Акс ҳолда вагонлардан фойдаланишда ўзибўларчиликка йўл қўйилади. Республикадаги саноат корхоналари ўз маҳсулотларини тегишли жойларга вақтида етказиб бериш учун ҳар куни вагон сўраб турибди. Бироқ бўш вагонларни қаердан олиш мумкин. Вагонлар эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юки туширилишини кутиб нормадан ортиқ бир неча кунлаб станцияларда, корхоналарга кириш йўлларида бекор туриб қолмоқда.

**ВАЗИФА —ҲАМКОРЛИК ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШДАН ИБОРАТ. ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРГАН САРИ ВАГОНЛАР ОБОРОТИ ТЕЗЛАШИБ, ЮК ОРТИШ-ТУШИРИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШАВЕРАДИ. БУНИНГ УЧУН ТЕМИР ЙЎЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАР ЗИММАЛАРИДАГИ БУРЧЛАРИНИ ИЗЧИЛ БАЖАРИШЛАРИ — ВАГОНЛАРНИ ВАҚТИДА БЎШАТИБ БЕРИШ ТАДБИРЛАРИНИ КЎРИШЛАРИ КЕРАК.**

Ж. ҚОСИМОВ.

*МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ*

## БАҲОНА ТОШ БОСМАЙДИ

### СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ ПАСАЙИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида муҳим ҳаётий масалалар ўртага ташланди. Унда кадрлар билан ишлаш, уларнинг билим савиясини ошириш, топширилган ишга масъулият билан қараш ҳиссини кучайтириш, айни пайтда бошқа тармоқларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам учраб турувчи баъзи кўзбўямачиликлар, ўзибўларчилик, лоқайдлик, сансалорлик, алдамчилик, қўшиб ёзиш сингари иллатларга бутунлай барҳам бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш вазифалари белгилаб берилди. Бу вазифаларни оғишмай амалга ошириш ҳар бир хўжалик коллективининг муқаддас бурчидир.

Аммо Сурхондарё областининг қатор колхоз ва совхозларида бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Натижада жойларда чорва маҳсулотлари тайёрлаш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Айниқса, сут етиштиришда жиддий нуқсонлар мавжуд. Хўжаликлардаги соғин сигирлардан сут олиш илгариги йилларга нисбатан анча камайиб кетди. Буни қуйидаги фактлардан ҳам кўрсак бўлади. Шу йилнинг биринчи кварталида сигирлардан ҳар куни соғиб олинган сут миқдори 3-3,5 килограммдан ошмади. Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг биринчи фермасида ҳар бош сигирдан кунига атиги 2,9-3 килограммдан сут олинаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шу райондаги «Партия XXVI съезди» совхозида эса ҳар бир сигирдан кунига 3,2-3,5 килограммдан, райондаги 1665 бош сигирдан эса кунига ўртача 4,8-5 килограммдан сут соғиб олиняпти. Шўрчи, Шеробод, Бойсун, Олтинсой районларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Юқорида қайд қилинган хўжаликлар ва районларда маҳсулдорликнинг камайиб кетишига сабаб нима? Аввало, бу жойларда сигирлар парваришига масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Барча фермаларда соғин сигирларга бериладиган озуқа рационлари кўзга кўринадиган жойларда йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Рацион бўйича ҳар бош соғин сигирга бир кеча-кундузда 10 килограмм силос, 7 килограмм сенаж, 5 килограмм лавлаги, 10 килограмм атала, 5 килограмм аралаш омухта ем ва озуқа тайёрлаш цехида ишланиб, буғланган 10 килограмм беда-сомон аралашмаси берилиши керак. Аслида эса жониворларга 10-15 килограмм сомон ва майдаланмаган дағал хашакдан бошқа озуқа берилмайди. Шундай бўлгач, улардан қандай қилиб мўл маҳсулот олиш мумкин? Шу сабабли ҳам область бўйича ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут кунига ўрта ҳисобда 5 килограммдан ошмаяпти.

Бунинг устига, механизмларни ишлатиш, озуқаларнинг сифатли бўлишига эришиш учун озуқа цехларидан унумли фойдаланиш, чорвадорлар меҳнатини рағбатлантириш каби муҳим ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Кўпчилик колхоз ва совхозлардаги атала тайёрлайдиган агрегатлар ва озуқа цехлари турли асоссиз баҳоналар билан ишлатилмай турибди. Бойсун районидаги хўжаликларда 26 озуқа цехидан 7-8 таси, Қумқўрғон районида 28 цехдан 10 таси ҳеч қандай сабабсиз ишлатилмаяпти. Термиз районидаги 31 та озуқа цехидан 10 таси бекор турибди. Бундай кўнгилсиз аҳволни бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Чорвачиликни юксалтиришга даъват этилган кишилар давр янгича ишлашни тақозо қилаётганини тушуниб етмаганга ўхшайдилар. Область, район партия, совет органлари аҳволни зудлик билан тузатиш учун оператив чоралар кўришлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗООТЕХНИК ФЕРМАДА ЁКИ СЕМИЗ ВА ОРИҚ



Зоотехник: —Қалай, қишдан эсон-омон чиқдиларингми?
Чорва моллари: — Ҳа, бир нав, ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

М. УНГАРОВ чизган расм.



## ЧОРВАЧИЛИК— ЗАРБДОР ФРОНТ

Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 100 тонна гўшт, 476 тонна сут ва бошқа кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда 626 бош қорамол, 340 бош қўй, 4 мингдан зиёд парранда зооветеринария қоидалари асосида парваришланаётганлиги туфайли маҳсулдорлик юқори бўлмоқда. Колхоз «оқ чашма» ижодкорлари бу йил 205 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилишган.

Суратда: илғор сут соғувчилардан (чапдан) Жамила Холбоева, Женгул Шакибаева ва Режебгул Раимбоевалар.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### ҚЎҚОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозида яшовчи боғбон Ҳ. Тоштемировнинг Қўқон шаҳар бозори ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Текшириш пайтида олти кишининг чайқовчилик қилаётгани аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, бошқа камчиликларни ҳам бартараф этиш юзасидан тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда Қўқон бозори реконструкция қилинмоқда. Колхозчилардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қабул қилиб оладиган магазин, яъни савдо хизмати кўрсатиш бюроси биноси қуриляпти.

### ЗАДАРЁ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Имзосиз хат юзасидан ўтказилган текшириш якунлари «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Ишда қўполликка йўл қўйганлиги учун завод директори М. Калонов огоҳлантирилди.

